



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 152 (9.344) 1999 йил 31 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда





## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай мулоқотлардан бири янги йил арафаси — 29 декабрда Тошкент вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтди.***

Фидокорлар миллий демократик партияси томонидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов билан учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси Умар Муслимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Паркент тумани ҳокими Туроп Холтоев йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов юртимиз истиқлолининг асосчиси, тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат раҳбари, халқимизнинг келажагини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг бошловчиси ва раҳнамоси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти улкан ва ноёб салоҳиятга эга эканини, бу ерда беҳисоб имкониятлар, ривожланган коммуникация тармоқлари, шаклланган инфратузилма, юксак малакали кадрлар мавжудлигини қайд этди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати юқори даражада ривожланган минтақаларидан бирига айланиб, республика саноат маҳсулотининг 11,5 фоизини, электр энергиясининг 45 фоизини, кўмирнинг 98 фоизини, цементнинг 43 фоизини, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини, рангли металларнинг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда. Юртбошимиз қайд этганидек, замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида вилоятда четга маҳсулот экспорт қилувчи саноат корхоналари сони 31 тадан 56 тага етди, экспорт ҳажми 3,6 баробар ошди. Унинг таркибида пахта толасининг улуши камайиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб бораётгани айниқса, муҳимдир.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 111 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида улар 13,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Айниқса, Жанубий Корея иштирокида тузилган «Кабул-Ўзбек компани», Чехия билан ҳамкорликдаги «Кенаф», Буюк Британия иштирокидаги «Конмит», «Ўзбекистон-Германия саъй-ҳаракатининг маҳсули бўлган «Кибо» сингари қўшма корхоналарнинг фаолияти самарали бўлмоқда.

Ислом Каримов Тошкент вилоятининг кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, аввало, бу йилнинг ўзида вилоят пахтакорлари ва ғаллакорлари эришган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга сазоворлигини айтиб ўтди. 283 минг тонна пахта, 322 минг тонна ғалла етиштириб, шартнома режаларини ошириб бажарган вилоят деҳқонларига фидокорона меҳнатлари учун чин қалбдан миннатдорлик билдирди.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5 минг километрдан ортиқ табиий газ ва минг километрдан ортиқ ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди. шу йиллар мобайнида аҳолини газ билан таъминлаш даражаси 52 фоиздан 79 фоизга, сув билан таъминлаш эса 75 фоиздан 90 фоизга етди. 2005 йилгача яна 4 минг 200 километр табиий газ, 800 километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари тортиш кўзда тутилган.

Ислом Каримов Янгиобод воқеаларига тўхталиб, бу ҳол барчамизни янада огоҳ бўлишга, хушёрликни асло йўқотмасликка даъват этишини, юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлади.

Сўзини якунлар экан, Йўлбошчимиз бугунги асосий куч-қудратимиз — одамларнинг эртанги кунга, тинчлик ва барқарорликка, фаровон турмушга ишончи эканини айтди.

Учрашувда сўзга чиққан Оҳангарон тумани меҳнат фахрийси Эргаш Оқилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Владимир Андриянов, Олмалиқ шаҳар 16-ўрта мактаб директори Искра Пак, Қибрай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихон Шералиева миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ва бошқа хайрли ишлар бевосита Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётганини айтиб ўтдилар. 2000 йил 9 январда сайловчиларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

***Беҳзод УСМОНОВ,***
***Неъмат ДУШАЕВ (ЎзА).***

## АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

***Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувни Ўзбекистон Президентлигига сайлов ўтказувчи 13-Қашқадарё округи сайлов комиссиясининг раиси Назар Ҳакимов очди.

Ўзбекистон Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори Маҳмуд Худойқулов йиғилганларни А. Жалоловнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди.

Сўнгра Ўзбекистон Президентлигига номзод А. Жалолов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан Қарши давлат университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори Анвар Чориев, ХДП Шаҳрисабз туман кенгашининг биринчи котиби Мансур Остонов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг услубчиси Гулсанам Тиллаева, «Маънавият ва маърифат» кенгаши Қарши туман бўлимининг раҳбари Қодир Мажидов сайловчиларни 2000 йил 9 январда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга даъват этдилар.

***А. ТАЙПАТОВ,***
***ЎзА мухбири.***

* * *

Самарқанд Кооператив институтида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг самарқандлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИНИНГ ЁҒДУЛАРИ

***Пойтахтимизнинг барча болажонлари орзиқиб кутган яна бир ажойиб воқеа юз берди. Муҳташам Халқлар дўстлиги саройидаги Президент арчасининг гўзал ва мафтункор, нурафшон ёғдулари порлаб ҳамманинг кўнглига олам-олам қувонч ва нур олиб кирди.***





Байрамона руҳ Халқлар дўстлиги саройига кираверишданоқ сезилади. Ниҳоятда чиройли қилиб безатилган майдон, эртакона ҳайвонларнинг ниҳоятда катта пуфланган кўринишлари, ҳаво шари — ҳамма-ҳаммаси бу ерда юз берадиган воқеадан дарак бериб турар эди. Бу ерга кираверишда чиройли қилиб безатилган арча ёнида шўх мусиқа садолари остида болаларни Қорбобо ва Қорқиз қучоқ очиб кутиб олдилар. Бу ерга келган кам таъминланган оилаларнинг болалари, пойтахтимиздаги ва республикамиздаги Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларининг болалари зўр завқ-шавқ билан қўшиқлар айтишиб, рақсларга тушдилар. Ана шундан кейин уларнинг ҳаммаси Янги йил томошаларига таклиф этилди.



Томошалар бошланиши олдидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев болаларга мурожаат қилиб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номидан бу ерга тўпланганларни Янги йил билан табриклади ва мамлакатимизнинг ёш фуқароларига Президентимизнинг энг самимий ва қизғин қутловларини етказди.

Шуни айтиш кераккки, эртакона Янги йил томошаси зўр муваффақият билан ўтди ва у қизалоқлар ва болакайлар қалбига бир олам қувонч бағишлади. Томошалар давлатимиз раҳбарининг болаларга совғаларини — «Туфин» фирмасида тайёрланган ўйинчоқлар ва ширинликларни топшириш билан ниҳоясига етди.

Президент арчаси очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев қатнашди.

***(Ўз мухбиримиз)***

***СУРАТЛАРДА: Халқлар дўстлиги саройида Президент арчаси шодиёналари.***

***Рустам Шарипов олган суратлар.***

## ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

**Янги йил арафасида мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Козим ТЎЛАГАНОВ билан учрашиб, кузатилаётган йил таассуротлари ва Янги йил режалари ҳақида суҳбатлашди**

**— Муҳтарам Козим Носирович, 1999 йилнинг сўнгги кунларида турибмиз. Кузатаётган ана шу йилимиз таассуротлари ҳақида, мамлакатимиз, шу жумладан, пойтахт аҳли ҳаётида унинг тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?**

— Бир сўз билан айтадиган бўлсак — 1999 йил — Истиқлолимизнинг саккизинчи йили ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда салмоқли натижаларга олға қараб ҳаракатимизда янги ютуқларга эришилган йил бўлди, дейиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам муҳим воқеаларга бой бўлган бу йилни ҳар жиҳатдан мамнуният билан кузатишга ҳақлимиз. Бунга лоақал пойтахтимизнинг бугунги қиёфасига бир назар ташлаш билан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шаҳримиз янада гўзаллашди, янада юксак салобат касб этди, обод ва кўркам бўлиб қолди.

Кўплаб маъмурий ва уй-жой бинолари бунёд этилди, янги шохкўчалар пайдо бўлди. Аҳолининг манзилини яқин қилиш мақсадида ўзининг қурилиш услуби, технологияси ва мустаҳкамлиги билан Марказий Осиёда мисли йўқ икки йўналишда бир йўла уч қатордан машиналар ҳаракатланадиган Юнусобод ва Қўйлиқ кўприклари барпо этилди. Бунёдкорларимизнинг маҳорат ва матонати туфайли бир ярим йилга мўлжалланган иш ҳажми тезкорлик билан 8 ойда адо этилди. Иқтисодиёт соҳасида ҳам муҳим силжишларга эришилди. Чунончи, дастлабки маълумотларга кўра ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръати кейинги йилларга нисбатан энг юқори бўлиб, 105,3 фоизни ташкил этади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бир маромда кўпайиб бормоқда. Шаҳар аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари, қандолат, макарон, бошқа асосий турдаги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилган.

Шаҳримизда хорижий сармоядорлар иштирокида 2788 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 52 миллиард 118 миллион сўмни ташкил этди.

Ижтимоий соҳалар жадал ривож топмоқда. Аҳолини газ билан таъминлаш яхшиланди. Жумладан, газ тармоқлари 1 минг километрга етиб, жами газлаштирилган хонадонлар сони 535 мингга етди. Пойтахтнинг газ билан таъминланиши бугунги кунда 97 фоизни ташкил этмоқда.

1999 йил кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этишда муҳим босқич бўлди. 9720 ўқувчига мўлжалланган замонавий касб-ҳунар коллежлари ҳамда 5355 ўқувчини бағрига олган академик лицейлар ишга туширилди. Уларнинг барчаси энг замонавий асбоб-анжомлар, компьютерлар, ўқув қўлланмалари ва мебеллар билан жиҳозланган. Тошкентда Марказий Осиёда ягона Ислом университетининг очилиши маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. 464 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Умуман, йилимиз якунларини сарҳисоб қилаверсак, яна кўп нарсаларни тилга олиш мумкин. Жумладан, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга жуда катта маблағлар сарфланиб, бу соҳада кескин ўзгаришларга эришилди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати ва маданияти сезиларли даражада ошди. Шаҳар кўчаларида қатнаётган замонавий «Мерседес-Бенц» автобуслари, «Шкода» троллейбуслари, «Татра» трамвайлари хизматидан пойтахт аҳли ҳам, меҳмонлар ҳам мамнун. Тошкент метрополитенининг учинчи Юнусобод йўналиши қурилиши жадал олиб борилмоқда. Алоқа хизматида туб бурилишларга эришилди. Абонентлар умумий сони қарийб 500 мингга етай деб қолди.

Дарвоқе, яқиндагина поёнига етган ва мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганининг янги ёркин намойишига айланган республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳам ана шу жипслик ва бирдамликни, жамиятимизда юзага келган мустаҳкам ижтимоий барқарорликни бутун жаҳон жамоатчилигига рўй-рост кўрсатди. Сайловларда халқимизнинг мутлақ кўпчилиги фаол иштирок этганлиги, фуқаролар уларда беш сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва мустақил номзодлар ичидан энг муносибларини танлаб, овоз берганликлари ҳам бунинг ёркин далилидир. Мамлакат олий қонунчилик органи — Олий Мажлисимиз ҳам, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ҳам аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи сиёсий кучлар вакилларидан иборат таркибда шаклланди.

**— Козим Носирович, кириб келаётган Янги йил режалари ҳам аниқ бўлиб қолгандир? Пойтахтликлар олдида бу йил қандай вазифалар турибди?**

— Албатта, кириб келаётган Янги йилни ҳаммамиз ўзгача ҳаяжон, ўзгача туйғулар билан кутиб олаяпмиз. Пойтахтликлар ҳам бутун мамлакатимиз аҳли билан бир қаторда янги йилга ўз тақдирлари, ёркин келажакларига қатъий ишонч билан, яратувчилик, бунёдкорлик ғайрат-иштиёқлари жўш урган ҳолда кириб борадилар. Чунки бунинг учун зарур бўлган барча шароитлар — иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий замин XX асрнинг сўнгги йиллари, айниқса 1999 йилда тўлалигича яратилди. Халқимиз ва ҳаммамиз Истиқлол нашидасини суриб, унинг қадр-қимматини чуқур идрок эта бошладик.

Янги йилнинг дастлабки кунларида — 9 январда мамлакатимизда Президент сайловларининг бўлиб ўтишида ҳам рамзий маъно бор, деб ўйлайман. Шаҳримизда ва мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида меҳнат жамоаларида, турар жойларда бўлиб ўтаётган йиғилиш ва анжуманларда, сайловолди учрашувларида халқимизнинг мутлақ кўпчилиги юртимизнинг бош фидойиси, бош ватанпарвари, халқимизни буюк келажак сари ишонч ва қатъият билан бошлаб бораётган Президентимизга овоз беришларини таъкидламоқда. Ишончим комилки, биз 2000 йилни Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида бошлаймиз.

Келгуси йил режаларига келсак, улар кенг қамровли ва катта миқёсларга эга. Соғлом авлод йилида фақат икки катта дастур бўйича амалга ошириладиган ишларимизни келтириш билан кифояланиш мумкин деб ўйлайман. Эртанги кунимиз, ҳаётимиз фаровонлиги, эзгу ниятларимизнинг сўзсиз амалга ошиши биринчи навбатда ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар қилиб вояга етказишимизга боғлиқ. Шу мақсадда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш учун ҳеч қандай маблағ ва сармояни аямай ишга соламиз. Икки мактаб, болалар боғчаси, лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг замонавий бинолари қад кўтаради.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш учун келгуси йилда 2 миллиард сўмлик маблағ ажратилади. Бунинг ҳисобига ўн битта тиббиёт муассасалари бунёд этилади ва қайта таъмирланади. Тиббиёт тизимига хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида Япония, Жанубий Корея ва Чехия давлатлари билан ҳамкорлик битимлари тузилган бўлиб, улар асосида даволаш муассасалари фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига эришилади. Қисқаси, Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз турмушини яхшилаш йўлида келгуси йили ҳар қачонгидан салмоқлироқ ишлар қилиш ва янада юқорироқ натижаларга эришиш учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

**— Пойтахтликларга Янги йил тилакларингиз...**

— Аввало, жонажон Тошкентимизнинг ҳар бир фуқаросига тинчлик-омонлик, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт-саодат, маънавий баркамоллик тилайман. Пойтахтимиз жамоли янада гўзаллашиб, ҳамшаҳарларимизга ҳам, пойтахт меҳмонларига ҳам битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлайверсин. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида янги, улкан муваффақиятларни қўлга киритиш, халқимиз ва мамлакатимиз шон-шуҳратини янада баланд кўтариш билан нишонлаш ҳаммамизга насиб этсин...

***Саидикром САИДВАЛИЕВ суҳбатлашди.***

*Сўз — янги сайланган депутатларга*

## ХАЛҚ ИШОНЧИ — БУЮК БАХТ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар кўппартиявийлик, ошкоралик ва демократик тамойилларга амал қилган ҳолда ўтказилганлиги Ўзбекистонимиз келажагида муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир сайловчи номзодларнинг энг муносибларига овоз бериб, уларга юксак ишонч билдирдилар. Биз ҳам халқ ишончини қозонган депутатлар билан учрашиб, уларнинг қалб изҳорларини тингладик.***

**● Тўрабек ДОЛИМОВ,**
**Тошкент Давлат университети ректори,**
**Олий Мажлис депутати:**

— Эски йил якунланар экан, инсон ўтган кунларига албатта, назар ташлайди. 1999 йил мен учун ниҳоятда қадрли ва бахтли йиллар қаторидан ўрин олганидан бениҳоя мамнунман. 12-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига сайландим. Халқ ишончи — энг буюк бахтдир. Энг олий ниятим ҳам халқимга, юртимга хизмат қилишдир.

Кириб келаётган 2000 йилда мамлакатимиз келажаги учун муҳим воқеа саналган Республика Президенти сайлови ўтказилади. Ўйлайманки, 9 январни орзиқиб кутаётган сайловчиларимиз, албатта мустақиллигимиз раҳнамоси, фидойи инсон Ислом Каримовнинг номзодини қўллаб-қувватлайдилар.

**● Маҳмуда ҒАНИЕВА,**
**«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси,**
**шаҳар Кенгаши депутати:**

— Ўтаётган йил ҳаётимнинг энг сермазмун дамлари бўлди десам хато қилмайман. Ҳалол меҳнатим билан эл-юрт орасида танилганим ўз самарасини берди. Менинг номзодим сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан 58-Бошлиқ сайлов округидан шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган эди. Сайловчилар номзодимни депутатликка муносиб деб топишганидан беҳад мамнунман. Мен доимо меҳнатда тобланган, ҳалол, виждонан ишлаган ва яшаган одамларни қадрлайман. Овоз берган ҳамшаҳарларим ишончини оқлаш менинг энг юксак бурчим саналади. Баракали меҳнатим билан эса мустақил юртим равнақига ўз ҳиссамни қўшавераман. Шунингдек, Ўзбекистонимизнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеа — 2000 йил 9 январда ўтказиладиган Президент сайловида юртдошларимга фаоллик тилайман.

***Дилноза ҒИЁСОВА.***

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

◆ Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасида 2000 йилги Президент стипендиатларига дипломларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ Юртимизда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларига Президент совғаларини улашиш анъанага айланиб бормоқда. Айни шу кезларда бундай тантаналар республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтмоқда.

◆ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ахборотномаси»нинг учинчи сони нашрдан чиқди.

◆ Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси биносида болалар ижодиёти кўргазмаси очилди.

◆ Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси болалар учун Янги йил совғаси тайёрлади.

◆ Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонасида тарихий воқеа — Президент сайловига бағишланган сайловчилар йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Россия қўшинлари Грозний маркази йўналишида қақшатқич қаршиликка дуч келди. Жангарилар Россия ҳарбий кучлари назоратга олишига ҳалақит бериш учун Грозний жанубидаги бир нечта шаҳарчаларда қарши ҳужум уюштиришди.

◆ Американинг «Дискавери» фазовий кемаси Флоридадаги Кеннеди номидаги космодромга муваффақиятли қўнди.

◆ Шимолий Европа мамлакатларида кучли довул юз берди.

◆ Кандаҳорга қўндирилган Ҳиндистон авиалайнери жангарилар томонидан ҳамон тутқинликда сақланмоқда. Келишувга биноан самолёт эртага Афғонистонни тарк этиши керак.

◆ Украина ташқи ишлар вазирлиги консули бошқармасининг собиқ раҳбари Василий Ковал коррупцияда айбланиб, беш йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

◆ Тожикистоннинг Қўрғонтепа шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатларини уюштирганликда айбланган уч киши ўлим жазосига ҳукм этилди.

◆ Хитой шарқидаги Гуандун вилоятида ҳавонинг қаттиқ совиб кетиши оқибатида маҳаллий қишлоқ хўжалигига катта зарар етди.


## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2000 йил Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан пойтахт кўчалари, майдонлари ва боғларини миллий байрам руҳига мос равишда бадиий безаш учун 2000 йилнинг 1 январидан 15 январигача энг яхши лойиҳалар учун

**ОЧИҚ ТАНЛОВ**

эълон қилади.

Ушбу танловда малакали ҳамда ҳаваскор рассомлар иштирок этишлари мумкин. Лойиҳаларда халқимизнинг энг севимли Наврўз байрами таровати, миллий урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди ва қадимий анъаналаримиз ҳамда қадриятларимиз бетакрорлиги, уйғониш ва янгиланиш — баҳор фасли мавзуси ўзига хос миллий руҳда тараннум этилиши керак.

Ишлар плакат, эскиз, диорама ва бошқа кўринишда, муаллифга мақбул ҳажмда бўлиши мумкин.

Танлов ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Ғолиб деб топилган ишлардан шаҳарни безаш учун фойдаланилади.

Лойиҳалар Ободонлаштириш бош бошқармаси (Мовароуннаҳр, 11) 11-хонага топширилиши лозим.

Маълумот учун телефон: 133-35-14

**Ташкилий қўмита**

*Сарҳисоб*

## РЕЖАЛАР БИСЁР



**Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри директори:**

— Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз ҳаётида буюк ўзгаришлар, беқиёс ютуқларга эришилган, самарали йил бўлди. Айниқса йил якунида кетма-кет бўлаётган сайловлар, янги асрнинг кириб келиши, буларнинг ҳаммаси айни муборак ва қутлуғ Рамазон ойига тўғри келгани яна ҳам қувончлидир.

Бизнинг театр жамоаси учун ҳам бу йил муваффақиятларга бой йил бўлди. Бу нафақат менинг фикрим, балки театр жамоаси, танқидчилар, адабиётшунослару томошабинларнинг ҳам фикрлари шундай. Мен ўз ҳаётимни театрсиз тасаввур этолмайман. Театр ҳаёти менинг ҳаётим билан чамбарчас боғланган. Қувончу шодликларим, ютуқларим шу театр билан боғлиқ. Негаки театрда қирқ йилдан зиёд ижод қилиб келаяпман. Етти йилдан буён театрда директорман.

Театрнинг бу йилги катта ютуғи — бу Ўзбекистонда ўтказилган барча театр фестивалларида олий мукофотларга сазовор бўлганлиги. Шунингдек, бу йил театримиз саҳнасида бешта янги спектаклнинг томошабинлар ҳукмига ҳавола қилингани деб ўйлайман. «Ҳаётдан тўйган тун», «Қирол Лир», «Энага», «Эргинамнинг орзуси» ва шу жумладан болаларимиз учун ҳар йили ўтказиладиган Янги йил совғаси — Арча олдида томошалар, «Жодугар канизак» номли кичкинтойлар севиб томоша қиладиган спектакль фикримнинг далилидир. Энг қувонарлиси, театр зали ҳар йилгидан бу йил жуда гавжум бўлди. Халқимиз театрга келиб мириқиб ҳордиқ чиқарса, маънавий озиқ олиб, томошадан кўнгли тўлиб, мамнун бўлиб чиқса, бу биз театр жамоасининг яна бир катта ютуғи, деб ўйлайман.

Йил якунида молиявий режаларимиз, томошабинларни жалб этиш каби режалар муваффақиятли бажарилди. Янги йилдан умидимиз катта. Янги йилда янгича ўйлар, режалар асосида янги-янги асарлар яратиш, томошабинларга манзур бўладиган томошаларни саҳнага қўйиш ниятидамиз.

Оилада мен ўзимни омадли деб биламан. Оиламиз мустаҳкам, рафиқам, ўғил-қизларим даврасида бахтиёр отаман. Келгуси Янги йилнинг Соғлом авлод йили деб номлангани барчамизни қувонтирди. Чунки фарзандларимизга, ёшларга эътибор янада кучаяди. Соғлом фикрли, соғлом ёш авлод бизнинг орзу-умидимиз. Янги йил арафасида мен «Оқшом» газетаси жамоасига ва ҳамюртларимизга фақат мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият, хонадонларига осойишталик, файзу баракот тилайман.

## ШУКРОНАЛИК



**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА,
таниқли бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

— Биз ёрқин, дориломон кунларда яшамоқдамиз. Бизнинг энг катта ютуғимиз, бебаҳо бойлигимиз бу — юртимиз тинчлиги, осойишталиги. Бу кунларнинг қадрига етиб, шукроналар айтишимиз лозим. Ҳар куни тонгданоқ ҳар бир хонадонда ойнаи жаҳон ёки радиодан қувноқ қўшиқ ва майин куй янграйди. Қўшиқ ва мусиқа тинглаш халқимизнинг жону дили. Халқимиз санъатсевар халқ. Қалбимиз фақат эзгулик, меҳр-муҳаббатга ошуфта. Чунки оқил ва доно Юртбошимиз барпо этаётган келажаги буюк бахтли замонда яшаяпмиз.

Мана ўтиб бораётган 1999 — Аёллар йили кўп жиҳатдан бошқа йилларга нисбатан салмоқли, улкан ютуқларга бой йил бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу йил биз бастакорлар ҳаётида ҳам янада қувончли, унутилмас йил бўлди, ўзбек санъаткорларимиз орасида истеъдодли хонанда, бастакорлар сафи йилдан йилга кенгаймоқда. Бу йил менинг ижодимда ҳам баракали ва самарали йил бўлди. Бир қанча янги асарлар яратдим. Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, хонандалар Лариса Москалёва, Аъло Раҳимова, Дилшод Каттабеков ижро этган қўшиқлар учун куй басталадим. Энг қувонарлиси, шоирлар — Хуршид Даврон ва Муҳиддин Омоннинг Ватан ҳақидаги шеърига ўзим ижро этган учта янги қўшиғимни тайёрлаб, магнит тасмасига ёздирдим.

Бу йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» II халқаро мусиқа фестивали айниқса жуда катта нуфузга эга бўлди. Унда ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этдим. Фестивалда ўзбекистонлик «Шарқ булбули» номини олган Насиба Сатторова юксак мукофот — Гран прига сазовор бўлди. Бу беҳад қувончли воқеа албатта. Бундан ташқари бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, унда ҳам комиссиянинг масъул котиби этиб тайинландим. Шунингдек, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Садо — 99» республика қўшиқ кўрик-танловларида ҳам ҳайъат аъзосиман. Ўтиб бораётган бу йил мен учун масъулиятли ва омадли йил бўлди, деб фахр билан айта оламан. Энди келгуси 2000 йилдан ҳам умидларим катта. Келгуси йилда II халқаро симфоник фестиваль ўтказиш режалаштирилган. Ана шу фестиваль учун йирик асарлар ёзиш ниятидаман. Шунингдек, Наврўз байрамига ҳам қўшиқлар кўрик-танлови ўтказиб, ёш, янги номларни танлаш умидидамиз.

2000 йил — Соғлом авлод йили деб номлангани биз, санъат аҳлини ҳам беҳад қувонтирди. Чунки соғлом авлод — келажагимиз пойдевори. Биз ижодкорлар ҳам асосий мавзуимизни соғлом авлодга — фарзандларимизга бағишлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамюртларимизни Янги йил билан қутлайман. Хонадонларига тинчлик, хотиржамлик, оилавий бахт тилайман.

## ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА



**Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом:**

— Мана йил якунланиб, янги аср бўсағасида турибмиз. Ҳар бир ижод кишисининг қалбида янги-янги улкан режалар, эзгу ниятлар ҳукмрон.

Ижодкорнинг биринчи муваффақияти унинг яратган асарларидир. Ўтиб бораётган йил мен учун ютуқларга бой йил бўлди. Кўплаб янги картиналар яратдим. Жумладан, муҳтарам Президентимизнинг 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилишлари мени ижодимда гўзал опа-сингилларимиз, мунис онахонларимизга бағишлаб «Беғубор оналик», «Шарқ гўзали», «Малика», «Турмуш бўсағасида», «Ҳаёт фалаги», «Умр бахти», «Қўша қариганлар», «Кўнгил армони» каби қатор асарлар яратишга илҳом берди. Тугаб бораётган асримизнинг охирги йилида Америка, Германия, Малайзия каби хорижий мамлакатларда ташкил этилган кўргазмаларда ўз асарларим билан қатнашдим. Ижодим ҳақида эссе-китоб нашр этилди. Шунингдек, кўплаб ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Жумладан, Наманган, Фарғона вилоятларининг чекка қишлоқларидаги мухлисларим ҳамда мактаб ўқувчилари билан яқиндан суҳбатда бўлдим. Қишлоқ ҳаётидан меҳнаткаш, фидойи инсонлар ҳақида турли қораламалар чизиб қайтдим. Тугаб бораётган йилда ҳам ўзимнинг доимий фаолиятим билан жамоат ишларида ҳамда ўз олдимга қўйган орзуларим йўлида тинимсиз иш олиб бордим. Кириб келаётган аср бошида кўп нарсалар ҳақида ўйлаб қоламан. Ўз асарларим бу икки асрни қандай боғлаши мумкин? Албатта, янги асрга хос ва янги изланишлар олиб бориш керак.

Янги — 2000 йилни Президентимиз Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар. Бунда кўп рамзий маъно бор. Дарҳақиқат, юртимиз тарихида илм-фанга, ёш авлодга эътибор мустақилликдан сўнг етакчи даражага кўтарилди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ёш авлод соғлиғи, маънавияти ва ҳар томонлама билим олишига катта эътибор қаратдилар. Шу юртнинг ижодкор фарзанди сифатида мен ҳам соғлом авлод, баркамол авлод орзулари ҳақида асарлар яратиш ниятидаман. Бундан ташқари янги йил бошларида ўзбек рассомларининг Японияда ташкил этилаётган кўргазмаси учун янги ишлар тайёрлаяпман.

Йилнинг ўрталарида, яъни июль-август ойларида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Қоҳирада ташкил этилаётган шахсий кўргазмамга янги асарлар тайёрлаш, шулар жумласидандир. Хуллас, кўп орзу-умидларимнинг ушалишини шу янги аср бошидан кутиб қоламан.

Шунингдек, севимли «Тошкент оқшоми» газетаси жамоаси ҳамда муштарийларини кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, эзгу ниятларимни изҳор этаман.

---

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

◆ Ҳикмат бир дарахтки, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.

◆ Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини қийинчилик ва мусибатларга қарши шай тутиши керак.

◆ Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

◆ Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубтало бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.

Байт:

*Ғафлат йўлида юрувчилар насиҳатига қандай қилсин,*
*Уйқу бандаларини овоз қачон бедор қила олади?*

◆ Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Ҳар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлар билан яқинлик ҳамда жабру зулм боқий эмаслигини билади.

**Батлимус ҲАКИМ.**

◆ Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдайвермаслиги, оқил киши кўнглига ҳар бир ўй билан иш тутавермаслиги керак.

◆ Жонингни дунёда ғариб одамдек тут, ғарибларни эса иззат қил.

◆ Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетаётган пайтда ўйла!

**БОСЛУС.**

◆ Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтди: Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

◆ Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндиролган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.

◆ Ғазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурини синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

◆ Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.

**ЖОЛИНУС.**

◆ Адолати йўқ подшоҳни, чиройли тадбирга эга бўлган фотиҳни, сўзида ростлик бўлмаган сўз устасини, молу давлатини ўз ўрнида ишлатилмайдиган саховатли кишини, тўғри фикрга эга бўлмаган ҳар қандай фазилат соҳибини беҳожат деб ҳисобламагинки, аксида улар муҳтож кишилардир...

Бир ҳаким айтади: уч нарсани барбод қилмаслик учун уч нарсани эҳтиёт қил: бошингдан айрилмаслик учун тилингни сақла, намоздан айрилмаслик учун таҳоратни сақла, юракдан айрилмаслик учун ғазабланишдан эҳтиёт бўл.

Машойихлар айтадилар: етти хил тоифа билан ўтирган кишида етти хил хислат пайдо бўлади: кимки бадавлат кишилар билан ўтирса, кўнглида бойлик ҳаваси пайдо бўлади; кимки дарвешлар билан ўтирса, зоҳидлик пайдо бўлади; кимки аёллар билан ўтирса, ўзига маломат орттириб олади; кимки болалар билан ўтирса, салобат ва виқор кетади; кимки фосиқлар билан ўтирса, маъсият ва гуноҳ пайдо бўлади; кимки солиҳ кишилар билан ўтирса, тоат пайдо бўлади, кимки олимлар билан ўтирса, руҳида мусаффолик пайдо бўлади.

Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: ўн кишининг дуоси қабулдадир: биринчиси — олим, иккинчиси — толиби илм, учинчиси — хушфеъл киши, тўртинчиси — бемор, бешинчиси — етим, олтинчиси — ғозий киши, еттинчиси — ҳожи, саккизинчиси — насиҳатчи, тўққизинчиси — қобил фарзанд, ўнинчиси — ота-она.

Яна айтадилар: уйқу етти хил бўлади: биринчиси — олимлар мажлисидаги уйқу, бу ғафлат уйқуси; иккинчиси — авлиёлар суҳбатидаги уйқу, бу бадбахтлик уйқуси; учинчиси — намоз вақтидаги уйқу, бу уқубат уйқуси; тўртинчиси — субҳдан кейинги уйқу, бу лаънат уйқуси; бешинчиси — роҳат уйқуси, бу кун ярмидаги уйқу; олтинчиси — хуфтон намозидан кейинги уйқу, бу мубоҳ (шариатда рухсат этилган иш) уйқу; еттинчиси — жума намози вақтидаги уйқу, бу ҳасрат уйқусидир.

**Сокритус ҲАКИМ.**

◆ Афлотун ҳаким Суқрот ҳакимнинг шогирдларидан бири эди, сафарга жўнайдиган бўлиб қолди, хайрлашиш учун устозининг олдига келиб, насиҳат қилишини сўради. Суқрот унга шундай деди:

— Бировнинг яхшилиги орқали танилган бўлсанг, у ҳақда гумонсирама, биров билан олдиндан таниш бўлмасанг ундан эҳтиёт бўл.

Афлотун ундан сўради:

— Раҳмга сазовор киши ким? Одамларнинг иши қачон зое бўлади? Худойи таоло берган неъматларнинг эвази нима билан адо этилади?

— Уч кишининг ҳолига раҳм қилмоқ керак. Биринчиси — бирор амирнинг хизматини қилаётган соҳиб тадбир кишига, у кўриш керак бўлмаган нарсани кўради, эшитиш мумкин бўлмаган нарсани эшитади. Иккинчиси — тарбия кунандаси нодон бўлмаган кишигаки, у ундан ҳамиша ранж тортади. Сахий одамгаки, у хасис одамга муҳтож бўлади, итоат қилиш ва кўз тикишдан ўзга чораси йўқ.

**БУҚРОТ**

**Форсийдан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

---

# ОҚШОМИДА

*Диллашув*

## БАХТЛИ ЭЛНИНГ БАХТИЁРИМАН

***Бизнинг халқимиз азалдан санъатсевар халқ. Ўйин-кулгию қўшиққа, қизиқарли томошаларга иштиёқи баланд. Худди шунингдек, таниқли санъаткорлар билан танишиш, улар билан дийдорлашиб, дилдан суҳбат қуришни орзу қилмайдиган киши топилмаса керак. Шу мақсадда Янги йил байрами арафасида газетхонларимизни хушнуд қилиб, эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровни таҳририятимизга таклиф қилиб, дилдан суҳбатлашишга аҳд қилдик.***

**— Бахтиёр ака, аввало Сизни давлатимизнинг юксак мукофоти — «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлганингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Бу мукофот сизнинг кўп йиллик санъатимиз, маданиятимиз йўлида беқиёс самарали хизматларингиз меваси албатта. Айтингчи, бу мукофотни олишни кутганмидингиз?**

— Аввало табрик учун миннатдорман. Мен бу мукофотни кутмагандим. Кутилмаган бахт деб шунга айтсалар керак. Бу мукофотни шахсан Президентимизнинг ўзлари менга топширганлари бу яна ҳам катта бахт. Бу юксак ишончни албатта оқлашим керак. Санъаткор эканман, халқ учун хизмат қилишга тайёрман. Ҳақиқий ва машҳур санъаткор бўлиш учун кўп йиллар тер тўкиб меҳнат қилиш, изланиш керак бўлади. Санъатга ҳам фидойи, ҳалол инсонлар керак.

**— Сиз кўп йиллар Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театри саҳнасида ва шу билан бирга «Ўзбекфильм»да суратга олинган қатор фильмларда ажойиб ролларингиз билан халқимиз назарига тушган таниқли санъаткорсиз. Ҳали ҳануз Сиз иштирок этган «Ёр-ёр» фильми томошабинларга ёд бўлиб кетган бўлса-да, яна ва яна кўришни орзу қилади киши. Шу фильм ҳақида гапириб берсангиз.**

— Санъаткорнинг санъатидан улуғ нарса йўқ. 1964 йил ёзувчи Раҳмат Файзий асари асосида «Ёр-ёр» фильми суратга олинган. Кинонинг машҳур бўлишига сабаб бу фильмда ўша вақтлар ҳақиқий кино юлдузлари ўйнаган. Устозларим Сойиб Хўжаев, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Қудрат Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедовдек ҳақиқий санъат усталари бор эди. Уларни доимо ҳурмат ва фахр билан эслайман. Айниқса Сойиб аканинг санъати энг чўққига чиққан даврлар эди. У киши билан «Ёр-ёр» фильмида ота-бола ролини жуда берилиб завқ билан ўйнаганман. Шу йили кинотеатрда бу фильм қирқ кун ўн марталаб қўйилган. Одамлар фильмни кўриш учун шунчалик кўп келишарди.



**— Саҳна ортида ёки бирор фильм суратга олинаётган вақтда кутилмаган тасодифий кулгили воқеа-ҳодисалар албатта учраб туради. Шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганмисиз?**

— Фильм суратга олинаётган вақтда кўпинча ажойиб воқеаларга дуч келинади. «Ёр-ёр» фильми суратга олинаётган пайтда ота-бола дарёдан кечиб ўтишимиз керак бўлган жойида, ҳақиқатда сув жуда тез оқаётганидан Сойиб ака билан мен чўкиб кетишимизга оз қолган. Иккимиз астойдил ёрдамга чақириб бақирганмиз ўшанда. Шунга ўхшаш яна бир ҳолат — 1966 йил режиссёрликка ўқиётган вақтларим «Дилбарим» фильми суратга олиниши керак эди. Бу фильмда ҳам Сойиб Хўжаев колхоз раиси ролини ижро этганлар. Мен иккинчи режиссёр эдим. Фильмда катта кўлмак сувни Сойиб ака кесиб ўтишлари керак бўлган жойи бор. Ҳаво бироз совуқ эди. У киши: «Барибир менинг айтганим бўлади, тамом-вассалом» деб шу кўлмакни кесиб ўтишлари керак. Лекин Сойиб ака бирдан «Йўқ, ўтмайман, қаттиқ шамоллаганман» деб туриб олганлар. Ҳаммани хуноб қилиб, ниҳоят сувдан ўтганлар. Бу кунлар ёдимда ширин тушдек ёрқин из қолдирган.

**— Сизни театр машҳур қилдими ё кино? Севиб ижро этган ролларингиз...**

— Драматургия — адабиётнинг тожи. Театрнинг ўзига хос йўли бўлганидек, кино ҳам ўзгача йўналишда суратга олинади. Мени бу театр ё кино машҳур қилди, деб айтолмайман. Чунки санъаткор ўзига топширилган ролни жон-дили билан берилиб ўйнайди. У роль ёмон, буниси яхши деб ажратиб бўлмайди. Санъаткор учун ролнинг яхши-ёмони бўлмаслиги керак. Энг муҳими ҳар бир ролни юракдан қиёмига етказиб ўйнаш керак. Ана шунда ўз-ўзидан томошабин олқишини олиб, машҳур бўла олиш мумкин. Шунингдек, бирор ролни севмасдан ўйнаш ҳам мумкин эмас. Унда зўрма-зўраки, мажбуран ўйналгани шундоқ сезилиб қолади. Шунинг учун ҳамма ролни севиб, меҳр қўйиб ўйнаш керак деб ўйлайман.

**— Айни кунларда қандай ишлар билан машғулсиз?**

— Ҳозирги кунда Сатира театрида ҳам режиссёр, ҳам актёр сифатида иш олиб боряпман. Театр жамоаси билан турли вилоятларда бўлиб, томошалар кўрсатиб келаяпмиз. Халқимизга манзур бўладиган ҳаётий, долзарб муаммоларни қаттиқ сатира остига олиб, келгусида янги-янги асарлар қўйиш ниятидамиз. Халқ дилига, юрагига бориб етадиган асарлар яратиш устида изланаяпмиз. Сир бўлса ҳам айтаман, шу кунларда драматург Рихсивой Муҳаммаджонов билан ҳамкорликда янги асар устида иш олиб боряпмиз.

**— Янги аср бўсағасида Янги йил тилакларингиз.**

— Янги асрнинг бахтиёр инсонларига, барча-барчага Янги йилда янги бахт, янги омад ёр бўлсин! Президентимиз келгуси йилни Соғлом авлод йили деб бежиз атамадилар. Янги аср, нурли келажак соғлом ва баркамол ёшларимизники. Янги — 2000 йилимиз осойишта, қувонч ва шодликларга тўлиқ, қутлуғ йил бўлсин!

***Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.***

---

*Мушоира*

## КЕЛМОҚДА, ХАЛҚИМГА САОДАТ ЧОРЛАБ

*Янги йил келмоқда чўзиб қўлларин,*
*Эй халқим, қулочинг сен ҳам кенгроқ оч.*
*Пок ният ёритар унинг йўлларин,*
*Пойига орзунинг зар нурларин соч.*

*Янги йил келмоқда диёрга шодон,*
*Зафару омадга умидлар боғлаб,*
*Келмоқда, эгнида беқасам чопон,*
*Келмоқда, халқимга саодат чоғлаб.*

*Ўтган йил — Оқсоқол — қўли кўксида,*
*Кутмоқда янгисин, кўзида меҳр.*
*Барқ урар Ишончлар ёруғ юзида,*
*Ёш йил озод юртга кирмоқда ахир!*

*Янги йил келмоқда — режалари мўл,*
*Олтин тож бошида — бахтдан нишона.*
*Истиқлол йўлидир у чорлаган йўл,*
*Ўзбек юртидир у кирган кошона.*

*Янги йил! Қадаминг пок, қутлуғ бўлсин!*
*Тинчлик нашидасин сурсин ҳур диёр.*
*Оллоҳнинг меҳрига коинот тўлсин,*
*Муқаддас Истиқлол бўлсин барқарор...*

**Нодира РАШИДОВА.**

## БЎЛАДИ БАЙРАМ

Ҳафиза Содиқова Наманган шаҳридаги 20-мактабда муаллимлик қиладилар. У кишининг назм таъби бор. Истеъдодли шоир Ёқубжон Аҳмаджонов айтганларидек, Наманганда шундай ҳофиза ижодкор аёл борким, унинг шеърлари тиниқ шалолани эслатади.

Ҳафиза ёш ижодкор ўқитувчилар кўрик-танловининг Республика ғолиби ҳамдир. У киши билан орамизда борди-келди дўстлик бор. Бироқ фермер хўжалиги ташвиши билан бўлиб, у кишидан хабар ололмадим. Ўша кезларда Ҳафиза ўпкалаб «Наманган садоси» шаҳар газетасида «Гина» номли шеърини эълон қилдилар.

«Гина»га жавоб қайтаришга уриниб кўрдим. Лекин қанча ҳаракат қилмай, Ҳафиза даражасида ашъор битолмадим ҳисоб. Аммо шунга қарамай, удумимиздан узоқлашиб кетаётган айтишув жанридаги қуйидаги ашъор-лапар вужудга келди.

***Икром РАСУЛОВ,***
***тадбиркор.***

**ҲАФИЗА:**

*Юраклар қувончдан энтикар ширин,*
*Фалакда қолмаган заррача ғубор,*
*Кўзларда, юзларда ажиб нур ўйнар —*
*Байрам бўлмадими Сиз томонларда?*

**ИКРОМ:**

*Қишлоқда юмуш кўп: энтикиш, толиш,*
*Эрта тонгдан шому хуфтонгача иш,*
*Кўзларда, юзларда чанг, тезак, ғубор —*
*Қандай байрам бўлсин, биз фермерларда?!*

**ҲАФИЗА:**

*Ёқтириб қолгандим оддийлигингиз,*
*Туйғулар олдида улуғлик ҳечдир,*
*Бугун азобингиз танга ўтқичдир —*
*Байрам бўлмадими Сиз томонларда?*

**ИКРОМ:**

*Экдик буғдой, арпа ҳамма жойларга,*
*Йиғдик сомон, похол тойчоқ, молларга*
*Чорвадорда йўқ вақт кино, сойларга —*
*Қандай байрам бўлсин молбоқарларда?!*

**ҲАФИЗА:**

*Эсга олиндилар улуғу ёшлар,*
*Марҳумлар ёдига ўқилди Қуръон,*
*Мен-чун ҳамма бир ён, ўзингиз бир ён —*
*Байрам бўлмадими Сиз томонларда?*

**ИКРОМ:**

*Эсга тушардингиз, йўқ эди илож:*
*Ором қайда дейсиз — керакда омоч*
*Ишлов кечикса-ку ҳол бўлар хароб,*
*Қандай байрам бўлсин биз деҳқонларда?!*

**ҲАФИЗА:**

*Ором олдингизми кўнглим ўкситиб,*
*Қасдингиз бормиди биз ёмонларда,*
*Байрам келганини унутдингизми ё*
*Йўқлаш айб саналар Сиз томонларда —*
*Байрам бўлмадими?..*

**ИКРОМ:**

*Буғдой пишар кузда тўкинлик бўлар,*
*Қалбимиз ёришар ўшал чоғларда,*
*Ярашар гул сайри юрсак боғларда,*
*Ўзимнинг Ҳафизам, кел, кутмоқдаман —*
*Бўлади чин байрам!..*

---

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

## ХУРСАНДЧИЛИК БУЗИЛМАСИН

***Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил даврида дам олишларига барча қулайликлар яратилди. Кўпгина майдонларда арчалар ясатилди. У Янги йил байрамига ўзгача кўрк бермоқда.***

Байрамона кайфият барча хонадонларда бўлсин, деб ота-оналар уйларида ҳам арчалар ясатдилар. Бундай хурсандчилик бузилмаслиги учун арчаларни ясатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам амал қилиш кераклигини ёддан чиқармаслик зарур. Бунинг учун арчани хонанинг деворлари ва шиптига тегмайдиган қилиб ўрнатиш, уни безатишда енгил ёнувчи пахта, қоғозларни, кўлбола электр чироқлардан фойдаланмаслик, болаларни арча атрофида ҳоли қолдирмаслик ва уларга ўйинчоқ сифатида учқун чиқарувчи, товуш чиқариб, портловчи пиротехника воситаларидан фойдаланмасликни таъминлаш керак.

Барчага маълум бўлган давлат ёнғин назорати талабларининг бажарилишини уйда ота-оналар, мактаб ва боғчаларда, ташкилот ва муассасаларда раҳбарлар назорат қилиб турсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

***Баҳром ЮНУСОВ,***
***Акмал Икромов тумани ёнғиндан муҳофаза қилувчи 8-ҲЁСБ бошлиғи.***

---

## Рассом табассуми



**— Адашиб қолдим чоғи, биродар, айтингчи, Қориёғди маҳалласига қандай борсам бўлади?**



**— Арча байрамига кечикяпман, «Туркистон» саройига ташлаб ўтолмайсанми, ўғлим?**

**— Майли бобой, Янги йил совғангизнинг каттароғидан берсангиз.**



**— Шахмат ишқибозининг Янги йил арчаси.**



**Шум бола: Менинг ҳам насибам бор ахир. Бир ошам бўлса ҳам олай.**

**Абдурасул Ҳакимов чизган суратлар.**

